

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1889-ҳадис**

1889 - وَعَنْ أَبِي الْفَضْلِ الْعَبَّاسِ بْنِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: شَهِدْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ حُنَيْنٍ، فَلَزِمْتُ أَنَا وَأَبُو سُفْيَانَ بْنِ الْحَارِثِ بْنِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ نَفَارِقْهُ، وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى بَغْلَةٍ لَهُ بَيْضَاءُ، فَلَمَّا التَقَى الْمُسْلِمُونَ وَالْمُشْرِكُونَ وَلَّى الْمُسْلِمُونَ مُدْبِرِينَ، فَطَفِقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَكُضُّ بَغْلَتَهُ قَبْلَ الْكُفَّارِ، وَأَنَا آخِذٌ بِلِجَامِ بَغْلَةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكْفُفُهَا إِرَادَةَ أَنْ لَا تُسْرِعَ، وَأَبُو سُفْيَانَ آخِذٌ بِرِكَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُّ عَبَاسٍ نَادٍ أَصْحَابَ السَّمُرَةِ»، قَالَ الْعَبَّاسُ، كَانَ رَجُلًا صَيَّيًّا: فَقُلْتُ بِأَعْلَى صَوْتِي: أَيُّنَ أَصْحَابِ السَّمُرَةِ، فَوَاللَّهِ لَكَأَنَّ عَطْفَتَهُمْ حِينَ سَمِعُوا صَوْتِي عَطَفَةَ الْبَقَرِ عَلَى أَوْلَادِهَا، فَقَالُوا: يَا لَبَيْكَ يَا لَبَيْكَ، فَاقْتَتَلُوا هُمُ وَالْكُفَّارُ، وَالِدَعْوَةُ فِي الْأَنْصَارِ يَقُولُونَ: يَا مَعْشَرَ الْأَنْصَارِ، يَا مَعْشَرَ الْأَنْصَارِ، ثُمَّ قَصُرَتِ الدَّعْوَةُ عَلَى بَنِي الْحَارِثِ بْنِ الْخَزْرَجِ. فَتَنَظَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ عَلَى بَغْلَتِهِ كَالْمُتَطَاوِلِ عَلَيْهَا إِلَى قِتَالِهِمْ فَقَالَ: «هَذَا حِينَ حَمِيَ الْوُطَيْسُ» ثُمَّ أَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَصِيَّاتٍ، فَرَمَى بِهِنَّ وَجُوهَ الْكُفَّارِ، ثُمَّ قَالَ: «انْهَزِمُوا وَرَبِّ مُحَمَّدٍ» فَدَهَبْتُ أَنْظُرُ فَإِذَا الْقِتَالُ عَلَى هَيْئَتِهِ فِيمَا أَرَى، فَوَاللَّهِ مَا هُوَ إِلَّا أَنْ رَمَاهُمْ بِحَصِيَّاتِهِ، فَمَا زِلْتُ أَرَى حَدَّهُمْ كَلِيلًا، وَأَمْرَهُمْ مُدْبِرًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

«الْوُطَيْسُ» التَّنُورُ. وَمَعْنَاهُ: اشْتَدَّتِ الْحَرْبُ. وَقَوْلُهُ: «حَدَّهُمْ» هُوَ بِالْحَاءِ الْمُهْمَلَةِ أَيُّ: بِأَسْهُمٍ.

«Хунайн куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлганман. Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб иккимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга юриб, у зотдан ажралмадик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам)Фарва ибн Нуфоса Жузомий ҳадя қилган(оқ хачирларида эдилар. Мусулмонлар ва кофирлар тўқнашгач, (камончилардан катта талафот кўрган) мусулмонлар орқага чекина бошлашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса хачирларини кофирлар томон ниқтай бошладилар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хачирлари тезлаб кетмасин деб, унинг юганидан маҳкам ушлаб, тўхтата бошладим. Абу Суфён эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг узангиларидан ушлаб олди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аббос, Самура аҳлини* чақир!»** дедилар.

Менинг овозим жуда баланд эди. Овозим борича: «Самура аҳли қани?» деб бақирдим. Аллоҳга қасамки, улар овозимни эшитиб, (бизни) худди сигирлар болаларини ўраб олганидек ўраб олиб, «Лаббай! Лаббай!» дейишди-да, кофирлар билан жангга ташланишди. Кейин ансорларга чақириқ бўлиб, «Эй ансорлар жамоаси, эй ансорлар жамоаси!» дейишди. Сўнг чақириқ Бани Ҳорис ибн Ҳазражга хосланиб, «Эй Бану Ҳорис ибн Ҳазраж, эй Бану Ҳорис ибн Ҳазраж!» дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хачирлари устида туриб, бўй чўзиб, уларнинг жанг қилишига қарадилар ва: **«Ана энди жанг роса қизиди»**, дедилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир сиқим майда тош олиб, кофирлар томон отдилар ва: **«Муҳаммаднинг Робби билан қасамки, чекинишди!»** дедилар. Сўнг жангни ўз кўзим билан кўриш учун борсам, уруш боягидек давом этаётган экан. Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам майда тошчаларни отганлари заҳоти уларнинг қуввати кетиб, орқага қочгани ҳалигача кўз ўнгимда».

* Самура – сифатли ёғоч берадиган тиканли дарахт. Бу ерда Самура аҳли деганда Ризвон байъати куни самура дарахти остида байъат қилган саҳобалар назарда тутилади.

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz



